

I. САНОАТ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йил 1 июл ҳолатига фаолият юритаётган саноат корхоналари сони 6250 тага етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 636 тага ёки 11,3 % ошган.


Жорий йилнинг январ-июн ойларида вилоятимизда 784 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 13,3 % Самарқанд шаҳри, 11,4 % Ургут тумани, 9,3 % Пастдарғом тумани ҳиссаларига тўғри келди.

2020 йил 1 июл ҳолатига фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирликда

Шаҳар ватуманлар номи	фаолият юритаётган	шундан		2020 йил январ-июн ойларида ташкил этилган
		йирик корхоналар	Кичик бизнес	
Жами	6250	60	6190	784
Самарқанд ш	1472	27	1445	104
Каттақўрғон ш	217	2	215	42
Оқдарё	250	-	250	39
Булунғур	221	-	221	33
Жомбой	300	4	296	49
Иштихон	376	2	374	67
Каттақўрғон	286	3	283	56
Қўшрабат	107	-	107	18
Нарпай	170	2	168	17
Пайариқ	274	2	272	43
Пастдарғом	543	6	537	73
Пахтачи	158	2	156	18
Самарқанд	565	4	561	71
Нуробод	140	-	140	27
Ургут	902	3	899	89
Тайлоқ	269	3	266	38


Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик

(2020 йил 1 июл ҳолатига)



Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик

(2020 йил январ-июн)



Вилоятда саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2020 йилнинг январ-июн ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7551,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган

йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 86,4 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 4425,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январ-июнга нисбатан 87,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1724,3 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 2701,3 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йил январ-июнга нисбатан мос равишда 90,2 ва 85,1 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперацияларини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йилнинг январ-июн ойларида 279,3 млрд.сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.


2020 йил январ-июнда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	<i>Ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати,%</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	7551,3	86,4
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	51,8	67,1
<i>шу жумладан:</i>		
Металл рудаларини қазиб олиш	-	-
Қайта ишлаш саноати	7172,4	83,9
<i>шу жумладан:</i>		
Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2805,2	97,4
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1759,9	120,0
Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	115,8	94,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	10,9	89,8
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1,8	79,6


	<i>Ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати,%</i>
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	237,8	96,6
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	53,0	179,6
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	489,6	125,1
Металлургия саноати	300,2	42,4
Автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим притсеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	1391,0	67,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва Ҳавони кондициялаш	281,9	123,6
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	45,2	96,1

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2019 йил январ-июн



2020 йил январ-июн



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва Ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш